
Бегмурод қишлоғида минг метр ичимлик сув тармоғи тортилиб, битта сув минораси ўрнатилмоқда

Учкўприк туманида қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрда қабул қилинган “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ҳудудларда салмоқли ишлар бошлаб юборилди.

Тумандаги Бегмурод қишлоғида ҳам ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва бу орқали аҳолига қулайлик яратиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни вақтда қишлоқ ҳудудида минг метр ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари бошланди. Тез орада бу ерда янги сув минораси ҳам ўрнатилади. Мазкур ишлар натижасида ҳудуддаги 200 дан ортиқ хонадонга тоза ичимлик суви кириб боради.

Тумандаги барча маҳаллаларда ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш мақсадида ободонлаштириш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

2023-01-09 10:58:03